



Аҳмад Ҳасан ДОНИЙ (Покистон):

МАФТУНҚОР ЎЛКА

Аҳмад Ҳасан Дониё Покистон Ислам Республикасининг кўзга кўринган ийрик тарихчи, археолог олим, жамоат арбоби, Қавоиди Азам университетининг Марказий Осиеи тадқиқ этувчи марказининг бошлғи, «Марказий Осие» номи журналнинг бош муҳаррири, Аҳмад Ҳасан Дониё шунингдек, ЭКО маданият асоцияцияси ва Покистон — Марказий Осие дўстлик асоцияцияси ҳамда Покистон археология, архивлар ва му...



Аҳмад Ҳасан Дониё Президент, Германия археология институтининг, Франция Академиясининг фахрий профессори, кейинги 30 йил давомида ҳаёти ва ижодини Марказий Осиеи тадқиқ қилишга бағишлаган ийрик олимдир.

— Жаноб Дониё, Марказий Осиеи тадқиқ қилишни қачондан бошлагансиз ва бунга нима сабаб бўлган?

— Марказий Осиеи тадқиқ қилишимиз 1965 йилдан бошланган. Ушанда ЮНЕСКО Парижда Марказий Осие буйича дастур қабул қилган эди. 1967 йилда ЮНЕСКО йўли билан Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон республикаларини кезиб, улар тарихи, археологик қазилмалари ҳақидаги маълумотлар билан таниша бошладим. Уша даврда Покистоннинг Ўзбекистонга Қобул орқали келинарди. 1967 йилдан бошлаб Марказий Осиедаги республикаларда ўтказилган илмий анжуманларда маърузалар билан қатнашганман.

ҳам уларни шунчалик қадрайдимиз. Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Юсуф Ҳамадоний, Ғиждувнийлар таълимотлари илмий марказларимизда, университетларимизда ўрганилади. Толиблар Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Замашарий, Чағиний, Журжоний, Маҳмуд Қошғарийларнинг ҳаёти ва иждоли билан танишадилар. Мирзо, Бек шайх, Нақшбандий авлодлари Раволюндий, Исломобод, Пешавор, Лоҳур, Мултон шаҳарларида истикомат қилиб келадилар.

Учинчидан, катта буваимиз асли кашмирлик бўлиб, Бухорога келиб савдо-сотиқ билан шуғулланганлар. Гиламфуруш бўлган эканлар.

— Жаноб Дониё, теурирлар авлодларидан Покистонда истикомат қилувчилар борми?

— Амир Теуур гарчанд қисқа муддат Ҳиндистонга келган бўлишига қарамай барлоқлардан бир қисми Пешавор, Панжоб, Синд вилоятларида истикомат қилишди. Гарчанд улар «чигатой» ўзбек тилида сўзлашмасалар-да, лекин «чигатой» ўзбекларнинг расм-русумлари, урф-одатларини ҳанузгача сақлаб қолганлар.

Тарихчи сифатида шуни ҳам таъкидлашни истардимки, Амир Теуур чиндан ҳам, адолатпеша давлат арбоби, буюк саркарда. Албатта, қаттиққўл саркарда бўлган. Қаттиққўл саркарда, донишманд, давлат арбоби бўлмасда, бундай улкан салтанатни бошқара олмасди. Амир Теуур зур-

риёдлари салкам икки аср Ҳиндтон ярим оролида ҳуқронлик қилиб келган бўлса, улар мамлакатимизда илм-фан, маданият ва санъатни, айниқса меъморилик санъатини ривожлантиришга, дунёнинг етти мўъжизаларидан бири «Тоҷ Маҳал» ҳам Теуурийлар авлодларига мансуб.

Динимиз, маънавий, тарихимиз бир бўлган ўлкани севмай бўладими? Чиндан ҳам, бу жаннат ўлка 30 йилдан бери мени ўзига мафтун этиб келмоқда.

— Жаноб Дониё, бизга маълумки, сиз Марказий Осиеи тадқиқ этувчи марказининг бошлғи ва «Марказий Осие» журналнинг бош муҳарририсиз. Марказий Осиега тааллуки асарлар чоп этганимиз?

— Мен Марказий Осие ҳақида тўрт асаримни чоп этдим. Биринчи китобим 1991 йили Ипақ йўли экспедициясида кейин ёзилган, у «Марказий Осиеда маданият ривожини деб аталади. Иккинчи китобим Марказий Осие мамлакатлари миллий мустақилликни қўлга киритганларидан кейин яратилган. Бу китобнинг номи «Марказий Осие устади янги шўъла» деб аталади. Учунчи китобим «Қушон маданиятининг Марказий Осиеда тугган ўрни» деб аталади. Бунда Қушон маданияти Ҳиндистон ярим ороли маданияти билан нақадар яқинлиги, муштарак тамойиллари ҳамда буддавийликнинг Марказий Осиедаги ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилдим. Тўртинчи китобим «Марказий Осие» деб ата-

турнро, уйғур, байиргу қабилалари билан бўлган ўзаро курашда мағлубиятга учраганили тўғайли уйғур деб аталган қабил иттифоқи таркибига кириб кетади.

Турк ҳоконлиги ташкил топгандан кейин тўро қабилаларини бирлаштириш жараёни бошланади. Уша жараён тарихий адабиётларда батафсил ёритилган. Бу ҳақда қайта манбаларнинг кўрсатма билан илмий муомалага нисбатан кўпроқ кириштирилган. Бу тўғрисида сўз юритишни уша маколаси вазифаси доирасига киритишни маъқул топмадик. Аммо маъқул жараён натижада тўро атамаси аста-секин муомаладан чиқа бошлади, унинг ўрнига тужое, яъни турк атамаси ишлатилди. Дастлаб, уша атам бир қабиланинг номи сифатида майдонга келган бўлса-да, VII асрдан бошлаб у тўро қабилаларининг умумий номига айланди. Масалан: Тонг сулоласи кўна тарихининг 99-бобида (15395-энг) фарбий турк ҳокони Чулу ҳокон (600-611 йиллар) кучайгандан кейин ҳамма тўро қабилалари унга итоат қилиб ўзларини турк деб аташга бошлади, деб ёзилганлигини учратамиз.

Шимолий сулола тарихида эса тўролар чавандозликда ва камон отишда моҳир бўлганлиги тўғайли турк ҳоконлигини ташкил этишда катта хизмат кўрсатганлиги ва урушларда асосий юкни ўз зиммасига олгани кўрсатилган. Демак қадимги тўролар кейин ўзларини турк деб аташган.

Оқорида зикр этилганлар асосида айтиш мумкинки, туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихининг ўрганишда шундай қадим манбаларнинг ахамияти бениҳоя катта. Улардаги маълумотлар илмий муомалага қанча кўп киритилса, ҳозирча ҳам ўрганилган ёки жумбақ бўлиб турган илмий масалаларни ечишда энгиллик туғилади ва аниқлик пайдо бўлади.

Абдул Аҳад ХУҲАЕВ

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва миллий иштироқига эришиши халқимиз қалбини кечисиз гурур ва ифтихорга тўлдирди. Халқимизнинг асрлар билан ораб курашда руҳида чиркин бўлган.

Фалсафий гурунг

Унда Конституция ва қонуннинг устуқлиги таъминланади қатъий белгилаб, «давлатнинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунга мувофиқ иш қўради ва улар ўз ҳуқуқий тенгдирлар» деб кўрсатишган.

Конституция — жамият ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб берганлиги учун унга асосан янги қонунлар қабул қилинди, мавжудлари қайта кўриб чиқилиб, қўшимча ва ўзгаришлар билан тўлдирди.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналарини, қадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавий янтини қайта тиклаш имконини берди» деб жуда ҳақ гап айтди.

Мустақиллик бизга халқаро миқёсга чиқишга, жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнаттишга, Ўзбекистонни дунё давлатларига танитишга, халқаро муносабатларда иштирок этишга, ўзимизнинг улкан табиий, минерал-ҳом ашё, инсоний, тарихий, ишлаб чиқариш ва иқтисодий меҳнат бойлиқларимизни ўз халқимиз манфаатлари йўлида сарфлашга, фойдаланишга имкон яратди.

Мустақиллик — кўп қиррали маънавий тажмуу, умуминсоний, ижтимоий-сиёсий қадрият бўлиш билан бирга улкан маъсулият ҳамдир. Бу маъсулиятни Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қалбдан ҳис этмоғи зарур.

Республикада амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг дастлабки қадамларидан кўриниб турганидек, бизнинг олимизга қўйган мақсадимиз шахс-жамият-давлат бирлигини ўзаро манфаатли алоқани, боғлиқлигини, ҳамкорликни шакллантиришдан иборат эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг давлат ҳокимияти тақсимланишининг оқилона йўлини танадиб, бу қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборатдир. Бу бизнинг миллий давлатчиликнинг пойдеворини барпо этишни ва унинг шаклланишини таъминлади, ҳамда собиқ иттифоқ давридан қолган маъмурий-буйруқ-бозлик тизимини тугатишга олиб келди.

Республикада давлатчилик соҳасида янги демократик, ҳуқуқий асослар яратилди.

Давлат бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзининг бош ишловчилик ролини босқичма-босқич амалга оширмоқда.

Уш даврида миллатлар тинчлиги, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги таъминланди. Бу мустақилликка эришганимиздан кейинги даврдаги энг катта ютуғимиз ҳисобланади.

Собиқ иттифоқ парчаланиш арасида ва ундан сўнги даврда мустақиллигимиз раванқига путур етказишга ҳаракат қилган ҳар хил ташқи кучларнинг ҳаракати амалга ошмади. Бунда Президентимиз кўрсатган жонбозлик ва мардликни алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб мамлакатимиз келажак ҳаётининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Айниқса 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жуда муҳим сиёсий воқеа бўлиб, у жамиятимиз ривожланишининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Конституцияда давлат ва жамият қурилишининг асосий таъминловчи белгилари берилди. У давлат суверенитетини мустақамлаб, фуқароларнинг ҳақини олдидаги, давлатнинг фуқаролар олдидаги ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини ўзида мустақамлади.

ривожлантиришга қаратилган барча ижтимоий муносабатларни кўзда туттади. Айниқса ундаги мулк ҳуқуқ институти жамият ҳаётида жуда катта ахамиятга эга бўлиб, унинг мавжудлиги, ривожланиши ва ҳарқатининг манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бу давлат мустақиллиги ва унинг олиб бораётган сиёсатида катта таъсир қилади. Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга, мулк муаммосини тўғри ҳал этмай туриб халқаро даражага чиқиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам юртбошимизнинг қилаётган саъй-ҳаракатлари, жумладан, Республикада ривожланган давлатларнинг йирик корхоналари билан бирга қўшма корхоналар ташкил этилиши (ЎЗДЭУ.. Мерседес-Бенс каби), чет эл сармоясарини жалб этиш бунинг дадиллидир.

Жамият ривожланишида мулкчилик муносабатларининг тўғри ҳал этилиши муҳим ахамиятга эга. Чунки биз яшаган социализмда мулкчилик масаласи бир томонлама, яъни давлат қўлида, ўта марказлаштирилган ҳолда ҳал этилган эди. Бу ўз навбатида секин-аста у тузумнинг емирилишига олиб келди.

Бозор иқтисодиётига ўтишда ҳуқуқий тартибни ўрнатиш аввало қонунларнинг ишчиликка бевоқифа бўлишидан келиб чиқиб, бунинг учун юртбошимиз айтиб ўтганидек: «Юридик таълим тизимини жиқиди тарзда ислоҳ қилиш, юридик олий ўқув юртлирига талабалар қабул қилишни анча кенгайтириш, юристларнинг малакасини ошириш буйича ягона ўқув марказини ташкил этиш зарур».

Республикада юридик фанининг асосий вазифаси жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг қонунларини ўрганишда, талқин қилишда, уларга илмий баҳо беришда ва янги жамиятнинг ҳусусийларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ва амалиёт учун режалар ва тақлифлар беришни талаб этади.

Юридик фан тизимини қайта қўриб чиқиб, уни тақомиллаштириб, ягона тизимга келтириш лозим. Ҳар бир ҳуқуқ фани соҳаси буйича ҳозирги давр талабларидан қабул қилинган қонунлар мазмунидан келиб чиқиб янги дастур ва дарсликлар яратиш зарур.

Республикада демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтириш вазифаси иқтисодий соҳада ҳуқуқий механизмни, демократик ислохотларни самардорлигини, уни чуқурлаштиришни тақозо этмоқда. Бу келажакда буюк давлат қурши учун асосий заминдир!

Худойқул АЗИЗОВ, юридик фанлари номзади

Уша даврда республикамиз қонун чиқарувчи органнинг таркибини асосан сиёсий-ҳуқуқий фаол бўлган кишилар ташкил этар эди. Бу орган собиқ иттифоқда марказдан берилган топшириққа асосан қонунлардан нуҳса кўчириш билан машғул бўлган.

Ҳозирги кунда республикамиз Олий Мажлиси депутатлари қабул қилаётган қонунларнинг демократик, ҳалқил эканлигини, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни ўзида муҳасамлаштириганидан кўриниб турганидек, улар демократик таъминловчи ҳаво беради. Лекин бу билан чекланиб қолиш керак эмас, парламентимиз таркибини янада профессионал депутатлар билан тўлдирши зарур ва улар фаоллигини ошириш керак.

Бозор иқтисодиётига ўтишда ҳуқуқий тартибни ўрнатиш аввало қонунларнинг ишчиликка бевоқифа бўлишидан келиб чиқиб, бунинг учун юртбошимиз айтиб ўтганидек: «Юридик таълим тизимини жиқиди тарзда ислоҳ қилиш, юридик олий ўқув юртлирига талабалар қабул қилишни анча кенгайтириш, юристларнинг малакасини ошириш буйича ягона ўқув марказини ташкил этиш зарур».

Республикада юридик фанининг асосий вазифаси жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг қонунларини ўрганишда, талқин қилишда, уларга илмий баҳо беришда ва янги жамиятнинг ҳусусийларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ва амалиёт учун режалар ва тақлифлар беришни талаб этади.

Юридик фан тизимини қайта қўриб чиқиб, уни тақомиллаштириб, ягона тизимга келтириш лозим. Ҳар бир ҳуқуқ фани соҳаси буйича ҳозирги давр талабларидан қабул қилинган қонунлар мазмунидан келиб чиқиб янги дастур ва дарсликлар яратиш зарур.

Республикада демократик ҳуқуқий давлатни қарор топтириш вазифаси иқтисодий соҳада ҳуқуқий механизмни, демократик ислохотларни самардорлигини, уни чуқурлаштиришни тақозо этмоқда. Бу келажакда буюк давлат қурши учун асосий заминдир!

ТУРОН ҚАВМЛАРИ

Ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези)ни ўрганиш масаласи кўпдан бери турли мамлакатлар олимларини қизиқтириб келади. Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Миллий мафқуранини шакллантиришга жуда катта зарурият сезилмоқда. Халқимизда ўз тарихи, жумладан, келиб чиқиши тарихини билишга интилиш руҳи кучаймоқда. Шу сабабли уша муаммо яна ҳам муҳим ахамият касб этмоқда. Аммо бу муаммо ниҳоятда мураккаб. У фақат археологик қазилмаларни эмас, балки турли даврда ва ҳар хил тилларда ёзилган манбаларни ўрганиш ва атрофда, чуқур, кенг доирали илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади. Қолаверса, ўзбек халқининг келиб чиқишини аниқлаш учун барча туркий халқлар, жумладан, бутун Марказий Осие халқларининг этногенезини ўрганиш ва манбаалардаги маълумотларни илмий муомалага киритишни тақозо этади.

Шу билан бирга «Ўзбек» атамасининг тарихи асосида бу халқнинг этногенези (келиб чиқиши) ҳақида ҳукм чиқариб бўлмайдим. Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланиб, ўзбек халқи унинг аждодлари, халқ тарихига кирган уруғ ва қабилалар, улар яшаган жойлар ҳақида ҳукм чиқариш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайдим. Аслида ҳозирги ўзбек халқининг аждодлари Марказий Осиенинг ҳар хил жойларида истикомат қилган ва фаолият кўрсатган. Масалани ўрганишда, жумладан, хитой эъза тарихий манбалари ахамиятлидир. Зотан, маҳаллий манбаларда VIII асрдан аввалги аждодларимиз ҳақида етарли даражада аниқ маълумотлар топилмайдим. Хитой манбаларида эса бундай маълумотлар кўп учрайди. Бино-

барин, Хитой анъанасига кўра, миллоддан аввалги 2005-1766 йилларда мавжуд бўлган ва хитой тарихчидаги Шя деб атаган хонлиқ давридан бошлаб, муҳим воқеалар тош, суюқ, қамишларга иероглиф, расмисон белгилар билан қайд этилган. Бунга махсус амалдорлар бағдорланган. Хотиралар мураккаб ҳисобланиб, авлодлардан авлодга қолдирилган. Мана шундай амалдорлар қаторида Сў Же ва Рой Сунг номи бизга маълум. Шу даврдан бошлаб то миллоддан аввалги II асрдан 200 га яқин хотирлар битилган.

Хитойлар ўз атрофидаги қўшни халқлар, жумладан, шимолий ва фарбий томонда яшаган туркий халқлар билан яқин муносабатда бўлганлар, баъзан уларнинг она маконларига даъво қилиб, низо-урушлар чиқарганлар ва уруш максдадларидан зиддиятларини ўрганиш ва бу борада маълумотлар йиғиб қоғозларда, қайд этиб қолдирганлар. Бундай тарихий хотиралар «Хукмдорлар кўзгуси» деб аталган. Албатта, хитой манбалари буюк империячилик гоғялари остида ўз мамлакатини дунёнинг маркази ва маданияти ўчоғи билиб, қўшни халқларини ўзларига нисбатан, «ёвойилар» деб ҳисоблаганлар, хитой ҳоконларини эса Тангри фарзанди (Тян-зи) деб, Ер ўзидики барча халқларни унинг фуқароси деб тушушганлар. Шу асосда тарихий шахсларга ва воқеаларга баҳо беришган.

Хитой манбаларида келтирилган маълумотларнинг кўп қисми хитой сайёҳларининг хотираларига асосланган. Уша сайёҳлар эса ўша замон хитой манфаатлари учун қизиқарли ва нотаниш бўлган нарсалар, урф-одатлар, табиат шароитлари ва йўлларни кўпроқ эътиборга олганлар.

Тўро қабилаларининг номи баъзан ҳайвон, баъзан ер, дарё ёки ўсимлик номлари билан боғлиқ бўлган. Масалан: буюк — буюк, ёки буюк, мичин — маймон, бўлу — бўри каби қабилалар. Бошқа баъзи қабилалар Иртиш — Иртиш дарёси, Одиэ — Сирдарёнинг бир тармоғи (ҳозир Ясси дарёси) билан номланган. Ҳозирча ҳамма тўро қабилаларнинг номлари этимологияси аниқлангани йўқ. Лекин бу муҳим масала ушда олимлар бош қотириб келмоқдалар, албатта, бу ишнинг натижаси бўлади деган умиддамиз.

Тўро қабилаларининг 7 гуруҳга бўлиниб, шарқда Байқол кўли, Мўнғулия ҳудудидаги Тўро дарёси атрофида ва Шарқий Туркистон ҳудудида Қумул (Хами) вилоятида бошлаб, фарба ўша замон Рим давлати чегарасигача бўлган улкан заминда яшаганлиги кўрсатилган. Масалан: буюк, тунгро, уйғур, байиргу, фудо, мичин, тўроғур, хун, хў (хўр) ше-изали қабил 11 қабилалар билан бўлиб, Тўро (Тўло) дарёси атрофида яшаган ва 20 минг кишилик қўшинга эга бўлган (айрим манбаа ва адабиётларда хў ва ше қабилалари бир қабилла деб кўрсатилади).

Чибни, бўлу (бўри), жида, супо, наҳэ, ўғуз, кирғиз, иртиш (еде) урянқай (юйхун) каби 9 қабилла иккинчи бир гуруҳ бўлиб, Шарқий Туркистоннинг шимолий ҳудудида, аникроғи, Қумул вилояти фарбидаги ва Қорашар дарёсининг шимол томонида яшаган, уларнинг ҳам 20 минг кишидан иборат қўшини бўлган.

Сиртадуш, дилар, забандер (шипан) ва датси каби 4 қабилла учинчи бир гуруҳ бўлиб, Олтойнинг жанубий-фарбий томонида яшаган. Бу гуруҳ 10 минг кишилик қўшинга эга бўлган.

Тўртинчи тўролар гуруҳи адиз, ҳазар, булғор (бўху), печенег, тўғай (чигай, жугай), басмил, ҳэсу, сибр (сиба), емак (емо), гот (кедо) каби ўн қабилдан иборат бўлиб, Самарқанднинг шимолида ва Сирдарёнинг юқори қисми атрофида яшаган. Улар иштиёрида 30 миран кишидан иборат қўшин бўлган.

Бешинчи бир гуруҳ тўролар саригур (сулуже), сокин, моқшош (мезу) ва черкес каби 4 қабилдан иборат бўлиб, Каспий денгизининг (Дейҳай) шарқий ва фарбий томонларида яшаган. Улар иштиёрида 8 миң кишилик қўшин бўлган.

Олтинчи бир гуруҳ тўролар онгор (эночуй), айрун (олан), бейру, жолифу (қутригур), авархун (фувахун) каби 5 қабилдан иборат бўлиб, Рим давлатининг шарқий томонида яшаган. Улар иштиёрида 20 миң кишилик қўшин бўлган.

Еттинчи гуруҳ тўролар таркибида биргина тува (дула, тубо) қабиласи бўлиб, у шарқда Байқол кўли атрофида яшаган. Булар иштиёридаги қўшин оғири кўрсатилаган.

Хитой манбаларида Фарбада яшаган тўролар ҳақида маълумотлар кам, аммо, шарқий тўроларга онд хабарлар кўп учрайди. Масалан, мазкур манбаларда Хунлар давлати барбор бўлганда кейинги бир неча асрлар давомида тўро қабилалари гуруҳларининг таркиби ва турган жойлари мунтазам бўлмаганлиги зикр этилади.

Мазкур манбадан 99-бобида келтирилган маълумотларга кўра сиртодуш қабиласи олдинги турган жойидан, яъни ҳозирги Қозғистон ва Шарқий Туркистон ҳудудидан Олтойнинг шимолий томонидаги заминга кўчиб боради. У ерда шарқий турк ҳокони Чулу (619-621) даврида уша қабилла кучайиб кетади, лекин у 648 йили бирлашган буюк, тунгро, уйғур, байиргу қабилалари билан бўлган ўзаро курашда мағлубиятга учраганили тўғайли уйғур деб аталган қабилла иттифоқи таркибига кириб кетади.

Турк ҳоконлиги ташкил топгандан кейин тўро қабилаларини бирлаштириш жараёни бошланади. Уша жараён тарихий адабиётларда батафсил ёритилган. Бу ҳақда қайта манбаларнинг кўрсатма билан илмий муомалага нисбатан кўпроқ кириштирилган. Бу тўғрисида сўз юритишни уша маколаси вазифаси доирасига киритишни маъқул топмадик. Аммо маъқул жараён натижада тўро атамаси аста-секин муомаладан чиқа бошлади, унинг ўрнига тужое, яъни турк атамаси ишлатилди. Дастлаб, уша атам бир қабиланинг номи сифатида майдонга келган бўлса-да, VII асрдан бошлаб у тўро қабилаларининг умумий номига айланди. Масалан: Тонг сулоласи кўна тарихининг 99-бобида (15395-энг) фарбий турк ҳокони Чулу ҳокон (600-611 йиллар) кучайгандан кейин ҳамма тўро қабилалари унга итоат қилиб ўзларини турк деб аташга бошлади, деб ёзилганлигини учратамиз.

Шимолий сулола тарихида эса тўролар чавандозликда ва камон отишда моҳир бўлганлиги тўғайли турк ҳоконлигини ташкил этишда катта хизмат кўрсатганлиги ва урушларда асосий юкни ўз зиммасига олгани кўрсатилган. Демак қадимги тўролар кейин ўзларини турк деб аташган.

Оқорида зикр этилганлар асосида айтиш мумкинки, туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихининг ўрганишда шундай қадим манбаларнинг ахамияти бениҳоя катта. Улардаги маълумотлар илмий муомалага қанча кўп киритилса, ҳозирча ҳам ўрганилган ёки жумбақ бўлиб турган илмий масалаларни ечишда энгиллик туғилади ва аниқлик пайдо бўлади.



